
ФАРҒОНАДА ЭРОН КОМПАНИЯЛАРИ ҚАТОР ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВА МОЗАНДАРОН УСТОНИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев, жорий йил 14-18 июнь кунлари Эрон Ислом Республикасида бўлиб, Техрон шаҳрида Ўзбекистон-Эрон бизнес-форумида иштирок этди, ишбилармон доиралари вакиллари билан музокаралар ўтказди.

Ўтказилган учрашувлар ҳамда музокаралар натижасида Фарғона вилоятида Эрон сармояси иштирокида умумий қиймати 38 миллион долларлик 11 та инвестициявий, савдо-иқтисодий йўналишлардаги лойиҳаларни амалга оширишга келишилди ва тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Шунингдек, Эрон Тадбиркорлар уюшмаси билан ҳамкорликда Фарғонада “Ўзбекистон-Эрон савдо уйи” ташкил этиладиган бўлди.

Фарғона вилояти билан Эроннинг Мозандарон устони (вилояти) ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, кўп томонлама ҳамкорлик битими бўйича келишувга эришилди.

Мозандароннинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб текстиль, ёғочсозлик, қоғоз саноати, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги йўналишларида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга келишиб олинди.

Жорий йил 4-чорагида Мозандарон устони расмийлари ҳамда тадбиркорларидан иборат катта делегация Фарғона вилоятига ташриф буюриши белгилаб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-06-21 10:14:39